

# ПУДРАТ ШАРТНОМАСИ № 17

«12» Сентябрь 2022 й.

Бухоро шаҳар.

МЧДЖ «Мирронсол капитал строй инвест» кейинги ўринларда "Пудратчи" деб юритилади. Ўзининг устави асосида иш юритувчи раҳбари А.Арзиев номидан, бир томондан ва" Рес. улат профелактика\_маркази " Бухоро булими кейинги ўринларда "Буюртмачи" деб юритилади, ўзининг устави асосида иш юритувчи М.Р.Хасенова номидан, иккинчи томондан мазкур шартномани қуйидагилар ҳақида тўздилар.

## 1. ШАРТНОМАНИНГ ПРЕДМЕТИ

- 1.1. Ушбу шартнома буйича "Пудратчи" «Буюртмачи»нинг буюртмасига асосан жорий таъмирлаш ва тузилган лойиҳа смета ҳужжатларига асосан таъмирлаш капитал ишларини бажаришни, «Буюртмачи» эса бажарилган ишларни қабул қилиб олишни ҳамда тўловни амалга оширишни ўз зиммаларига оладилар.
- 1.2. Ушбу шартноманинг умумий суммаси 188 600 000 сўмни ташкил этади.

## 2. ШАРТНОМА БУЙИЧА КЕЛИШУВ НАРХЛАР

- 2.1. «Буюртмачи» томонидан тақдим қилинган ҳужжатларга асосан таъмирлаш ишларининг қиймати 188 600 000 (Бир юз саксон саккиз минг олти юз ) сўмни ташкил қилади.
- 2.2. Таъмирлаш ишларининг бошланиши «12» сентябрь 2022 йил.
- 2.3. Таъмирлаш ишларининг тугаши вақти «30» сентябрь 2022 йил.

## 3. ТАЪМИРЛАШ ИШЛАРИНИ БОШЛАШ, БАЖАРИШ ВА ТУГАТИШ БУЙИЧА ШАРТНОМАВИЙ МУДДАТЛАР

- 3.1. Таъмирлаш ишларини бажариш муддати мазкур шартноманинг 2.3. бандида кўрсатилган муддатгача амалга оширилади.
- 3.2. Шартномадаги 4.1 бандида кўрсатилган авансни «Пудратчи» олгандан сўнг таъмирлаш ишларини бошлайди. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1995 йил 12 майдаги 1154-сонли фармонида асосан барча мулкчилик шаклларидаги ҳўжалик юритувчи субъектларнинг истеъмолчилар ва буюртмачиларга, агар улар етказиб бериладиган (бажариладиган ишлар, хизматлар) қийматининг камида 15 фоизини олдиндан тўламасалар, маҳсулот жўнатиши, ишларни бажариши ва хизматлар кўрсатилиши тақиқланган. "Пудратчи" мазкур фармонга амал қилиши шарт.
- 3.3. «Буюртмачи» томонидан таъмирлаш ишларини бажариш даврида «Пудратчи»га ўзи томонидан харид қилинган таъмирлаш материалларини тақдим қилиши мумкин.
- 3.4. Таъмирлашни тўхтаб қолганлиги учун сабабчи бўлган томон бунинг оқибатида келиб чиқадиган ҳар қандай камомад ёки жавобгарликни ўз зиммасига олади.
- 3.5. Таъмирлашни тугаллаб фойдаланишга топшириш учун тузилган комиссия далолатномаси тасдиқлангандан сўнг таъмирлаш ишлари тамом бўлган деб ҳисобланади.

## 4. ТўЛОВ ШАРТИ ВА ТАРТИБИ

- 4.1. Ушбу шартноманинг умумий нархи 188 600 000 сўмни ташкил этади. «Буюртмачи» таъмирлаш ишларини бошлаш учун «Пудратчи»га шартнома нархининг 30 % ёки 56 580 000 сўм миқдорда олдиндан тўлайди ва бу олдиндан тўлов 2022 йилнинг сентябрь ойида амалга оширилади. «Буюртмачи» томонидан якуний тўлов «Пудратчи» ишлар бажарилганлигини тасдиқловчи ҳўжат тақдим қилгандан сўнг амалга оширилади. Якуний тўловнинг миқдори 132 020 000 сўмни, яъни, келишилган сумманинг 70 фоизини ташкил этади ва бу якуний тўлов 2022 йил 30 сентябргача амалга оширилади.
- 4.2. «Буюртмачи» тўловни пул ўтказиш йули билан амалга оширади.
- 4.3. «Пудрат» ташкилоти томонидан шартномада кўрсатилган суммадан ошқича бажарилган ишлар учун «Буюртмачи» томонидан тўловлар амалга оширилмайди.

## 5. ПУДРАТЧИНИНГ МАЖБУРИЯТЛАРИ

- 5.1. Шартнома баҳоси 188 600 000 сўм бўлган таъмирлаш ишлари юкорида келишилган муддатда тугатиш ва фойдаланишга топшириш.
- 5.2. Маҳсус таъмирлаш ишларини бажариш учун маҳсус ёлланма пудратчи ташкилотларни жалб қилади.

5.3. Хар ҳафтанинг душанба кунида жорий ҳафтада бажарилган таъмирлаш монтаж ишлари тўғрисидаги тегишли ҳужжатларни «Буюртмачи»га тақдим қилиши шарт. Агар таъмирлаш мазкур шартномада кўрсатилган муддатда пудратчининг айби билан фойдаланишга топширилмаса, у ҳолда буюртмачига куйидаги тартибда жарима тўлайди:

- таъмирлаш муддати 10 кунга кечиктирилса, шартнома баҳосидан 0,5 % миқдориди;
  - кейинги 20 кун учун шартнома баҳосидан 5 % миқдориди;
  - ундан кейинги муддатлар учун 20 % миқдориди;
- Жарима санкцияси буюртмачи томонидан билдирилган ёзма равишдаги даъводан кейин 10 кун муддат мобайнида тўланиши шарт.
- 5.4. Пудратчи шартномада назарда тутилган маблаг доирасида ишларни бажаради ва шунга мувофиқ бажарилган ишлар тўғрисида 2-сонли далолатномани тузади..

### 6. БУЮРТМАЧИНING МАЖБУРИЯТЛАРИ

- 6.1. Шартномада кўрсатилган 4.1. ва 4.2. бандлари бузилса, «Буюртмачи» махсус ҳисоб-рақамидан хар бир кечиктирилган кун учун шартноманинг туланмаган нарҳини 0,04% миқдориди «Пудратчига» жарима тўлайди.
- 6.2. «Буюртмачи» таъмирлаш ишларини ўз вақтида белгиланган стандартларга ва амалдаги қонунийликка асосан қабул қилиб олади.
- 6.3. «Буюртмачи» тасдиқланган сметасига мувофиқ бюджетда назарда тутилган маблаг доирасида шартнома тузади ва шартнома суммасига мувофиқ 2-сонли далолатномани «Пудратчи» билан биргаликда тузади

### 7. ТОМОНЛАР ЎРТАСИДА ШАРТНОМАВИЙ НИЗОЛАРНИ ХАЛ ЭТИШ

7.1. Ушбу шартнома асосида келиб чиқадиган хар қандай низолар Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунийликлари талабларига асосан ҳужалик судларида хал этилади.

### 8. ШАРТНОМАНИНГ АМАЛ ҚИЛИШ МУДДАТИ

- 8.1. Мазкур шартнома 2022 йил «12» септябрдан 2022 йил «31» декабргача амалда бўлади.
- 8.2. Мазкур шартнома икки нусхада тузилиб, бир хил юридик кучга эга бўлиб ҳисобланади ва томонларнинг хар бири учун бир нусхадан берилади.

### 9. ШАРТНОМАНИНГ ҚОНУНИЙ КУЧГА КИРИШИ

9.1. 2014 йил 1 январдан амалга киритилган Ўзбекистон Республикаси «Давлат Бюджет кодекси тўғрисида»ги қонуinning 122-моддаси ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2007 йил 28 февралдаги 594-сонли қарорининг 6-бандига асосан бюджет ташкилотларининг товарлар (ишлар, хизматлар) етказиб берувчилар билан шартномалари, шунингдек буюртмачиларнинг Давлат бюджети маблағлари ҳисобига капитал қурилишга оид шартномалари мажбурий тартибда Ғазначиликда рўйхатга олиниши шартлиги ва фақат у амалга оширилгандан кейин кучга кириши назарда тутилган

### 10. ТОМОНЛАРНИНГ ЮРИДИК МАНЗИЛЛАРИ ВА БАНК РЕКВИЗИТЛАРИ

#### «ПУДРАТЧИ»

МЧЖ Миррансол капитал строй инвест  
(ижрочининг номи)  
Манзили: Бухоро шаҳар \_\_\_\_\_  
\_Хамза кучаси 6 уй \_\_\_\_\_  
тел/факс \_\_\_\_\_  
х/р 20208000605027103001 \_\_\_\_\_  
Банк номи: Халк банки \_\_\_\_\_  
МФО: 00116\_ ИНН: 302527623  
ОКОНХ 61110

#### «БУЮРТМАЧИ»

Рес.улат профелактика маркази Бух. булими  
(бюджет маблағларини олувчи номи)  
манзили: Эшон-Имло №17  
тел/факс 221-08-35  
ш/хв 100021860064017074130054001  
бюдж маблаг олувчи СТИРи 201512155  
ОКОНХ 91530  
Ғазначилик бўлинимаси номи;  
Бухоро шаҳар ғазначилик булинимаси  
Ғаз/х 23402000300100001010  
Банк номи: Тошкент шаҳар Марказий  
банк БУЖКСИ  
МФО 00014\_ ИНН 201122919

Раҳбар:  А. Арзнев  
(ф.и.ш.)

  
Раҳбар:  М.Р. Хасенова  
(ф.и.ш.)

Юрифт. 